

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШОҒОФУРОВ ШАХБОЗЖОН ШОКИРЖОН ЎҒЛИ**

**ШАКЛ САҚЛАШ ХУСУСИЯТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ТРИКОТАЖ  
ТЎҚИМАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси  
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора  
философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of  
philosophy (PhD) on technical sciences**

**Шоғофуров Шахбозжон Шокиржон ўғли**

Шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган трикотажд тўқималарини олиш  
технологиясини ишлаб чиқиш..... 3

**Шоғофуров Шахбозжон Шокиржон ўғли**

Разработка технологии получения трикотажных переплетений с высокими  
свойствами формоустойчивостью..... 26

**Shogofurov Shakhbozjon**

Development of technology for producing knitted fabrics with high shape  
retention properties..... 48

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 53

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ШОҒОФУРОВ ШАХБОЗЖОН ШОКИРЖОН ЎҒЛИ**

**ШАКЛ САҚЛАШ ХУСУСИЯТИ ЮҚОРИ БЎЛГАН ТРИКОТАЖ**  
**ТЎҚИМАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**05.06.02 - Тўқимачилик материаллари технологияси**  
**ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/T1987 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.namnti.uz](http://www.namnti.uz)) ҳамда «Ziyouet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyouet.uz](http://www.ziyouet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Холиқов Қурбанали Мадаминович техника фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Жуманиёзов Қалам Жуманиязович техника фанлари доктори, профессор Абдурахманов Абдурашид техника фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.66.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» декабрь соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68, 225-10-07, факс: (+99869)228-76-75, e-mail: [nci\\_info@edu.uz](mailto:nci_info@edu.uz), Наманган муҳандислик-технология институти маъмурий биноси, I-қavat, кичик мажлислар зали).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (419-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой-7. Тел.: (+99869) 228-76-68.)

Диссертация автореферати 2021 йил «18» декабрь куни тарқатилади.  
(2021 йил «18» декабрдаги 56-рақамли реестр баённомаси).



**Р. М. Муродов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д., профессор

**Х. Т. Бобожанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д., доцент

**Н. Н. Набиджанова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси ўринбосари т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда трикотаж ишлаб чиқариш саноатида маълум ютуқларга эришилган бўлиб, уларда тўқимачилик саноатида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш учун технологик жараёнларни бошқариш усуллари такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Дунё микёсида трикотаж бозорининг ҳажми 2019 йилда 25,3 миллиард долларга баҳоланган бўлиб, ҳозирда бу кўрсаткич 30 миллиард долларга етганини ҳисобга олсак»<sup>1</sup>, ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотларини сифатли амалга оширадиган машиналарни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун иш сифати юқори ҳамда энергия-ресурстежамкор техника воситалари ва қурилмаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда трикотаж ишлаб чиқариши юқори самарали ва ресурстежамкор технологиялар ва техника воситаларининг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан трикотаж тўқималарининг янги ассортиментини ишлаб чиқиш, уларнинг технологик параметрларини, физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш ва уларнинг ўзгариш қонуниятларини назарий асослаш, математик моделларини ишлаб чиқиш ва башорат қилиш методикасини яратиш, янги хомашё турларидан трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш технологик режимларини ишлаб чиқиш, янги трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш мақсадида мавжуд техника ва технологияларни такомиллаштиришга, машиналарнинг технологик имкониятларини кенгайтиришга, технологик жараёнларни автоматик бошқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларини амалга оширишда, жумладан, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчанлиги соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, янада барқарор ва жадал

<sup>1</sup> <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/knitted-fabric-market>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

ривожланиши механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда техник ва технологик жihatдан модернизациялашган машиналарни яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»<sup>2</sup>ги Фармони, «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 5 майдаги ПФ-5989-сон Фармони ва «Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтириш, трикотаж сифатини ошириш, тўқималар тузилиши ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш билан ҳорижда М.Савадзаки (Япония), Е.Харима (Япония), А.MazjorieTaylor (АҚШ), L.Walter (Англия), M.Walker (Англия), Ch.Phillips (Англия), А.Wilkes (АҚШ), А.Wynne (АҚШ), David J.S. (АҚШ) ва бошқалар шуғулланишган. Шакл сақлаш хусусиятлари юқори трикотаж тўқималари тузилишлари ва уларни олишнинг янги усулларини яратиш бўйича тадқиқотлар А.С. Далидович(Россия), И.И. Шалов (Россия), Л.А. Кудрявин (Россия), С.В. Кислюк (Россия), Л.М. Кукушкин (Россия), А.Гогой (Қозоғистон) ва бошқалар томонидан ўтказилган.

Республикамизда трикотаж тўқималари тузилишлари ва уларни олишнинг янги усулларини яратиш, трикотаж сифатини ошириш, физик-механик ва гигиеник хусусиятлари яхшилаш ва трикотаж маҳсулотларини олишда қўлланиладиган машиналарнинг параметрларини асослаш бўйича тадқиқотлар М.М. Муқимов, Қ.М.Холиқов, Н.Р.Ханхаджаева Б.Ф.Мирусманов, А.Ю.Рахимов, Ф.А.Абдурахимова, К.З.Юнусов, А.Жўрабоев, Т.Алламуродова, Х.Хазратқулов, Ш.Усмонқулов, М.Н.Умаровалар ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида трикотаж тўқималарини олишда кенг қамровли тадқиқот ва ишланмалар, муаммолар, ечимларини ҳал қилишда ижобий натижаларга эришганлар, трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтириш, ресурстежамкор шакл хусусиятларига эга бир неча турдаги трикотаж тўқима ассортиментларини олиш технологиясини яратиш масалаларига бағишланган илмий изланишлар бугунги эҳтиёжлардан келиб чиқиб, бу борада тадқиқотларни такомиллаштириш масалаларини вазифа қилиб қўймоқда. Ушбу ҳолат трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хомашё сарфини кам талаб қиладиган юқори сифат кўрсаткичларига ҳамда

юқори шакл сақлаш хусусиятларига эга трикотаж тўқималарини олиш технологиясини яратишга оид илмий тадқиқотлар етарлича ўтказилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти ва Наманган вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази илмий-тадқиқот ишлари режасига кўра, ИЛМ-202107012 рақамли “Пахта ва йигирилган ипак ипларидан трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш (Порлоқ пахта нави селекцияси толасидан Чуст миллий брендини яратиш)” дастури асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган гигиеник хусусиятлари яхшиланган, ички ва жаҳон бозори талабларига жавоб берувчи, рақобатбардош, хомашё сарфи кам бўлган трикотаж тўқималарини олишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

устки кийимлар учун мўлжалланган шакл сақлаш ва гигиеник хусусиятлари яхшиланган янги тузилишдаги трикотаж тўқималарини ишлаб чиқиш;

трикотаж корхоналарида ўрнатилган замонавий трикотаж тўқув машиналарининг технологик имкониятларини ўрганиш ва бу имкониятлардан фойдаланиб, янги тузилишдаги аралаш ва нақшли трикотаж тўқима турларини яратиш;

янги тузилишдаги трикотаж тўқималарини технологик кўрсаткичларини ва физик-механик хусусиятларини тадқиқ этиш;

икки айлана игнадонли трикотаж машиналарида арқоқ ташлаш мосламасининг янги конструкциясини ва арқоқли трикотаж тўқималарининг янги намуналарини ишлаб чиқиш;

нақшли трикотаж тўқимасига ясси игнадонли машинанинг параметрларини таъсирини таҳлил қилиш ва оптимал параметрлари аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида трикотаж тўқималари, ясси ва айлана игнадонли трикотаж тўқув машиналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** янги тузилишдаги трикотаж тўқималари, трикотаж тўқималари ассортименти, янги таклиф этилган трикотаж тўқималарини технологик параметрлари ва физик-механик хусусиятларидан иборат.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда тўқув назарияси асослари, назарий ва амалий механика, математик статистика ва ҳисоблаш математикаси усуллари, компьютер дастурий таъминотидан ҳамда мавжуд меъёрий ҳужжатларда белгиланган усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

юқори деформацион хусусиятларга эга бўлган устки трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ясси игнадонли трикотаж машиналарида мавжуд усулдан фарқли равишда, ҳалқаларни кўчириш ҳамда ҳалқаларни тенглаштириш орқали аралаш ва нақшли трикотаж тўқималарининг янги ассортименти олиниши;

трикотаж тўқимасидаги нақшларнинг ўзгариши трикотажнинг технологик кўрсаткичларига яъни ҳалқа қадами ва ҳалқа баландлиги ўзгариши ҳамда деформацияланиш хусусиятларига боғлиқлик қонуниятлари аниқланган;

трикотаж тўқув машинасида арқоқ ипини йўналтирувчи қурилмаси мавжуд йўналтиргичлардан фарқли ўлароқ илгариланма қайтма ҳаракат қилиши билан фарқланиши натижада ипни трикотаж машинага сифатли таъминлаш амалга оширилган;

кўп омилли режали экспериментлар натижалари асосида нақшли трикотаж тўқимасига ясси игнадонли машинанинг параметрларини таъсири таҳлил қилинган ва ишчи қисмларининг оптимал параметрлари тавсия этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

хомашё сарфи кам бўлган янги тузилишдаги шакл сақлаш хусусияти юқори трикотаж тўқимасидан донали трикотаж ассортиментларини олиш усуллари ишлаб чиқилган;

трикотаж тўқув машинасида арқоқ ипини йўналтирувчи қурилманинг янги конструкцияси ишлаб чиқилган;

ясси игнадонли трикотаж машиналарида ҳалқаларни кўчириш орқали, аралаш ва нақшли трикотаж тўқималарининг янги ассортименти олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги диссертацияда шакллантирилган илмий ҳолатлар, принциплар, хулосалар ва тавсиялар, назарий ва экспериментал тадқиқот натижаларининг бир-бирига мос келиши, апробация ва жорий қилинишидаги ижобий натижалар, шунингдек натижаларни солиштириш, баҳолаш критерийларига кўра, уларнинг адекватлигига ва уларнинг кўриб чиқиладиган соҳасидаги маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилиб асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хомашё сарфи кам бўлган юқори сифатли янги тузилиш, олиш усулига эга бўлган аралаш, нақшли ва икки қатламли трикотаж тўқималарининг ишлаб чиқилганлиги, ясси ва айлана икки айлана игнадонли жаккард трикотаж тўқув машинасининг такомиллаштирилган тортиш механизмининг назарий тадқиқоти ва кўрсаткичларини асослаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти хомашё сарфи кам бўлган, юқори сифатли янги аралаш нақшли ва икки қатламли трикотаж тўқималарини олишнинг ресурстежамкор технологияларининг ишлаб чиқарилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган трикотаж тўқималарининг янги намуналарини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

аралаш ва нақшли трикотаж тўқималарини иқтисодий самарадорлиги ва сифати юқори бўлган намуна вариантларини “DILHAN TEX” МЧЖ трикотаж корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 16 ноябрдаги №03/25-3177-сонли маълумотномаси). Корхонада ишлаб чиқариш



натижасида янги намуна вариантларидан 18,6% ва 26% хом ашё сарфини камайтиришга эришилган;

шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган янги тузилишдаги нақшли трикотаж тўқималарини «MOVIY KONUNUR» МЧЖ трикотаж корхонасида жорий этилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 ноябрдаги №03/25-3177-сонли маълумотномаси). Арқоқли трикотаж тўқимасининг ҳажм зичлигини камайиши ҳисобига, хом ашё сарфи 18% га камайтиришга эришилган;

трикотаж тўқув машиналарида арқоқ ипини йўналтирувчи курилмани «UDM» МЧЖ корхонасига жорий этилган. Натижада сифат кўрсаткичларини яхшилаш ва хом ашё сарфини 22% ва 27% гача камайтириш имконияти яратилган («Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмасининг 2021 йил 15 ноябрдаги №03/25-3177-сонли маълумотномаси).

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари бўйича жами 7 та илмий-техник конференцияларда, шу жумладан, 4 та халқаро, 3 та Республика конференцияларида ва илмий семинарларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 4 таси Республика ва 7 таси хорижий журналда мақолалар нашр этилган. 2 та дастурий таъминотга Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган трикотаж тўқималарини олиш технологиясига оид адабиётлар таҳлили**» деб номланган биринчи боби адабиёт манбааларининг таҳлиliga бағишланган бўлиб, унда хусусан трикотаж технологияси, тўқималарнинг технологик кўрсаткичлари ва физик-механик хусусиятларини яхшилашга бағишланган кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари таҳлил қилинган. Ўзбекистон трикотаж корхоналарида турли хилдаги айлана ва ясси игнадонли трикотаж машиналари ўрнатилган. Уларнинг кўпчилиги жуда кенг технологик имкониятларга эга. Лекин корхона шароитида кўпинча ҳеч қандай нақш самарасига эга бўлмаган сидирға тўқималар ишлаб чиқариш билан чегараланиб қолинмоқда. Маҳсулот сифати, ташқи кўриниши ва нақш самарасини ошириб,

харидор талабига жавоб берадиган, шу билан бирга корхоналарда ўрнатилган икки игнадонли машиналарнинг технологик имкониятларидан кенг ва самарали фойдаланиш имконини берадиган шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган трикотаж тўқималари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари таҳлил этилган.


Умуман ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатдики, олдиндан белгиланган хусусиятларга эга янги тузилишдаги шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш ҳисобига трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтириб, келтирилган муаммонинг ечимини топиш зарурияти ушбу илмий тадқиқот вазифаларини белгилаб берган.

Диссертациянинг «**Шакл сақлаш хусусияти яхшилашда тўқима таркибига аралаш трикотаж тўқима элементларини киритиш усуллари**» деб номланган иккинчи боби икки ясси игнадонли машиналарда аралаш трикотаж тўқималарини олиш технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Хом ашё сарфини камайтириш ва трикотаж тўқималари ассортиментини кенгайтириш, шакл сақлаш хусусиятини яхшилаш, шунингдек LONG-XING SM 252 русумли (Хитой) ясси игнадонли машинанинг технологик имкониятларини кенгайтириш мақсадида аралаш трикотаж тўқима тузилишининг 2 та варианты ва уни тўқиш усули ишлаб чиқилди. Келтирилган 3 та вариантдан I вариант бу асос тўқима бўлиб, у икки игнадонли ясси игнадонли трикотаж машинасида игна оралатиб тўқилган ластик тўқимасидир. II вариант ва III вариант янги трикотаж тўқима намуналари бўлиб, улар ластик тўқимаси асоси таркибига глад ҳалқалари кўшиб, аралаш трикотаж тўқималарининг янги вариантларига эришилган. Аралаш трикотаж тўқимасининг ишлаб чиқилган вариантлари бир-биридан тузилиши, нақш рапорти ва бир қатор технологик ва физик-механик кўрсаткичлари бўйича фарқ қилади. Асос тўқима сифатида ластик трикотаж тўқимаси ишлаб чиқарилди. Оддий аралаш трикотаж тўқималарига шундай тўқималар кирадики, бунда кичик синфга таалуқли бўлган бир неча бош, ҳосилали ёки нақшли тўқима элементлари, бош, ёки ҳосилали тўқима синфи билан рапортда кетма-кет ўзаро ўрин алмашиб тўқилади. Кичик синф тўқималари кетма-кет ўзаро ўрин алмашиб тўқилади, лекин ҳар бир ҳалқалар қаторида тўқиманинг кичик синфи бир хил бўлади. Хом ашё сифатида чизикли зичлиги 35 x 2 текс полиакрилнитрил ипидан фойдаланилган.



а)



а) асос тўқима-ластик трикотаж тўқимаси б) аралаш трикотаж тўқимаси-ҳосилали глад ва ластик тўқималарини аралаштириш орқали ҳосил қилинган в) аралаш трикотаж тўқимаси-ластик, ҳосилали глад ва интерлок тўқималарини аралаштириш орқали ҳосил қилинган  
**1-расм. Аралаш трикотаж тўқималарининг тузилиши ва график ёзуви.**

Трикотажнинг хом ашё сарфини билиш учун унинг ҳажмий зичлиги таҳлил қилинади. Аралаш трикотажнинг II ва III вариантларда юза зичлиги ўзгариши уларнинг қалинлиги ошишидан камроқ бўлгани учун, бу вариантларнинг ҳажмий зичлиги трикотажнинг I вариантыга нисбатан камроқ бўлган. Шу сабабли аралаш трикотажнинг III вариантынинг ҳажмий зичлиги I вариантга нисбатан 19% га кам. Бу дегани аралаш трикотажнинг III вариантыни ишлаб чиқаришда I вариантга қараганда хом ашё сарфи 19% га кам бўлади.

Трикотаж тўқимасининг ҳажмий зичлиги 177 дан то 144 мг/см<sup>3</sup> гача ўзгарди. Юза зичлиги  $M_s=436$  г/м<sup>2</sup> ва қалинлиги  $T=2,6$  мм бўлган икки қаватли трикотаж тўқимасининг II вариантыни ҳажмий зичлиги 167 мг/см<sup>3</sup> га тенг,  $M_s=425$  г/м<sup>2</sup> юза зичликка ва  $T=2,4$  мм қалинликка эга бўлган асос трикотаж тўқимасининг (I-вариант) ҳажмий зичлиги эса 177 мг/см<sup>3</sup> ни ташкил этди.

Абсолют ҳажмий енгиллик асос тўқима билан солиштирилганда, қуйидагилардан иборат бўлади:

$$\Delta\delta = \delta_6 - \delta = 177 - 167 = 10 \text{ мг/см}^3 \quad (1)$$

бу ерда:  $\Delta\delta$  - абсолют ҳажмий енгиллик, мг/см<sup>3</sup>;

$\delta_6$  – асос тўқиманинг ҳажмий зичлиги мг/см<sup>3</sup>;

$\delta$  - тажрибавий тўқиманинг ҳажмий зичлиги мг/см<sup>3</sup>.

Нисбий енгиллик кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

$$\theta = \left(1 - \frac{\delta}{\delta_6}\right) \times 100 = \left(1 - \frac{167}{177}\right) \times 100 = 5,6 \% \quad (2)$$

$M_s=402$  г/м<sup>2</sup> юза зичликка ва  $T=2,8$  мм қалинликка эга бўлган тажрибада олинган трикотаж тўқимасининг III вариантда ҳажмий зичлиги эса 144 мг/см<sup>3</sup> га

тенг, асос трикотаж тўқимасининг (I вариант) ҳажмий зичлиги эса 177 мг/см<sup>3</sup> га тенг.

Абсолют ҳажмий енгиллик асос тўқима билан солиштирилганда, қуйидагилардан иборат бўлади:


$$\Delta\delta = \delta_6 - \delta = 177 - 144 = 33 \text{ мг/см}^3 \quad (3)$$

Нисбий енгиллик қуйидагилардан иборат:

$$\theta = \left(1 - \frac{\delta}{\delta_6}\right) \times 100 = \left(1 - \frac{144}{177}\right) \times 100 = 18,6\% \quad (4)$$

Шундай қилиб, аралаш трикотажнинг ўрилиш рапортини ўзгартириш ҳисобига, турли тузилишга эга бўлган аралаш трикотаж тўқимасини ишлаб чиқариш, сифат кўрсаткичларини яхшилашга, шакл сақлаш хусусиятини оширишга ва трикотаж тўқималари ассортиментини кенгайтиришга эришилади.

Диссертациянинг «**Шакл сақлаш хусусиятини яхшилаш мақсадида олинган янги тузилишдаги нақшли трикотаж тўқималар**» деб номланган учинчи боби ясси игнадонли LONG XING 252 русумли трикотаж машинасидаги игна позициялари ва тўқув замолари технологик имкониятларидан фойдаланиб, 4 та янги тўқима намунаси олинди. Машина классификацияси - 12", игнадон эни – 218 см, системалар сони – 2 та. Трикотаж тўқимасининг I-варианти асос тўқима сифатида қабул қилинмоқда. Ясси игнадонли трикотаж машинасида ластик 2+2 тўқимаси 2 та игна оралаб тўқиб олинди. Қолган 4 та вариантда шу тўқима асосида тўқилганлиги сабабли асос тўқима сифатида қабул қилинди (2-расм).



а-ластик трикотаж тўқимаси (асос тўқима); б-бўйламасига йўл-йўл ўйиксимон нақшли тўқима; в- бўртма ромбсимон нақшли тўқима; е-крестсимон нақшли тўқима; ф- кўндаланг тўлқинсимон нақш.

## 2-расм. Нақшли трикотаж тўқимасининг график ёзуви

Тадқиқот натижаларининг 1-жадвалда келтирилган қийматларига кўра яратилган янги тўқималарнинг деформацион хусусиятларини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Намуналарни ўзаро бир-бирига нисбатан солиштирилса, бўйига қайтар деформация 84-89%, қайтмас деформация 11-16% ни ташкил қилади. Бу ҳолда қайтар ва қайтмас деформациянинг бўйига бўлган кўрсаткичлари бирмунча стабил ҳолатга эга бўлиб, тўқима таркибига киритилган қўшимча ҳалқалари ва гладь қаторлари уни ҳалқа устунлари бўйлаб мувозанат ҳолатини эгаллашига имкон беради.

1-жадвал

### Трикотаж тўқималарнинг физик – механик хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Вариантлар					гост	
	I	II	III	IV	V		
Ҳаво ўтказувчанлик В ( $\text{см}^3/\text{см}^2 \cdot \text{сек}$ )	54,9	54,5	51,2	50,31	47	гост 12088-77 30 -100	
Узиш кучи Р (Н)	Бўйи бўйича	219	226	231	277	274	Камида 80Н гост 28554
	Эни бўйича	140	184	147	219	216	
Узишгача чўзилиш L (%)	Бўйи бўйича	59,90	50,75	49,15	52,35	52,5	40-100% гача 2 группа
	Эни бўйича	70,55	77,45	73,50	53,85	48,1	
Қайтмас деформация $\epsilon_n$ (%)	Бўйи бўйича	16	15	7,7	12	14,7	15-20% дан кўп эмас гост 28882
	Эни бўйича	13	7	11	10	11	
Қайтар деформация $\epsilon_o$ (%)	Бўйи бўйича	84	85	89	88	85,3	80-85% дан кам эмас гост 28882
	Эни бўйича	87	91	89	90	89	
Матонинг киришиши К (%)	Бўйи бўйича	7	5	4	4	5	Кўпи б-н 6-8% ГОСТ 26667
	Эни бўйича	4	3	3	2	4	Кўпи б-н 8-10%
Ишқала нишга чидамлиги И (минг. айлана)	39,6	40,6	43,9	42,8	42,6	30-60 оддий ГОСТ 16486	

Тўқима намуналарининг энига бўлган деформация кўрсаткичларини таҳлил қилинса, қайтар деформация 87-91%, қайтмас деформация 9-13% ни ташкил қилади. Бу ҳолда деформация кўрсаткичлари бирмунча катта диапазонда ўзгаради, натижада тўқиманинг эни бўйича деформация кўрсаткичлари стабил ҳолатга эришмаганини таъкидлаш лозим. Демак, тавсия этилаётган нақшли янги тўқима турларининг бўйига ва энига шакл сақлаш хусусиятлари бирмунча яхшиланди.

Деформация хусусиятлари таҳлилидан олинган хулосалар натижасида Вариант-II ва Вариант-III ни деформацион хусусияти бўйига ва энига бирмунча юқори вариант сифатида тавсия этиш мумкин.

Тўқималарнинг физик-механик хусусиятлари таҳлили натижалари шуни кўрсатадики, тўқима таркибига киритилган нақш элементлари уни хусусиятларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Барча кўрсаткичларни энига ва бўйига маълум бир томонга ўзгартириш у ёки бу хусусиятини кучайтириши ёки пасайтириши мумкин. Бу ҳолатдан мақсадли фойдаланиш тўқима турларини

қандай мақсадларда қўлланилишига боғлиқ. Шунинг учун бундай трикотаж тўқималарини шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган устки трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун ҳам тавсия этиш мумкин. Албатта шуни ҳам инобатга олиш керакки, трикотаж маҳсулотларидан кийим сифатида фойдаланилганда тажриба орқали аниқланган Узиш кучининг фақатгина 20% гача бўлган миқдори ишлайди.

Трикотаж маҳсулотлари олишда технологиясига кирган параметрларни, яъни омиллари ва оптимизатсия параметрларини муқобиллаш учун тажрибани математик режалаштириш усуллари қўлланилади. Уларга тўла омилли тажриба (ТОТ), касрли омилли тажриба, тасодифий мувозанатли тажриба, симплекс катакли тажриба ва ҳоказо усуллар киради. Биз тадқиқотларимизда тўла омилли тажрибадан фойдаланамиз. Шу нуқтаи назардан корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга таъсир этувчи омил сифатида каретка тезлиги, трикотаж тўқимаси зичлиги ҳамда тортувчи ролик тезлигининг ўзгариши олиниб регрессия тенгламалари тузилади.

Нақшли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқаришда машинанинг параметрларини тўқиманинг тузилишига таъсирини тадқиқ этишда қуйидаги (2-жадвал) омиллар ўзгариш сатҳлари ва ораликларни танланди.

2-жадвал

### Тадқиқ этилаётган омиллар ўзгариш сатҳлари ва ораликлар

Омиллар номи ва белгиланиши	Ўзгартириш сатҳлари			Ўзгартириш оралиғи
	-1	0	+1	
каретка тезлиги; см/сек	40	60	80	20
трикотаж тўқимаси зичлиги; халқа	60	70	80	10
тортувчи ролик тезлиги; см/сек	2	2,7	3,4	0,7

Маълумки, жавоб функциясининг аналитик ифодаси номалум бўлганда, одатда жавоб функциясининг кўпхад билан регрессия тенгламаси кўринишида (3.6) ифодалаш мумкин

$$Y_R = b_0 + \sum_{i=1}^M b_i x_i + \sum_{\substack{i=j=1 \\ j \neq 1}}^n b_{ij} x_i x_j + \sum_{i=1}^M b_{ii} x_i^2 \quad (5)$$

ёки тажрибамизда учта омил қатнашаётгани учун юқоридаги ифода қуйидаги кўриниш олади:

$$Y_R = b_0 + b_1 x_1 + b_2 x_2 + b_3 x_3 + b_{12} x_1 x_2 + b_{13} x_1 x_3 + b_{23} x_2 x_3 + b_{11} x_1^2 + b_{22} x_2^2 + b_{33} x_3^2 \quad (6)$$

Tenglamada

$b_0 \dots b_1 \dots$  – регрессия коэффициентлари,

$x_1, x_2, x_3$  – омилларнинг кодланган қиймати.

Регрессия коэффициентларини аниқлаймиз:

$$b_i = g_3 \sum_{u=1}^N x_{iu} \bar{Y}_u \quad (7)$$

$$b_{ij} = g_4 \sum_{u=1}^N x_{iu} x_{ju} \bar{Y}_u \quad (8)$$

$$b_{ii} = g_5 \sum_{u=1}^N x_{iu}^2 \bar{Y}_u + g_6 \sum_{i=1}^M \sum_{u=1}^N x_{iu}^2 \bar{Y}_u - g_2 \sum_{u=1}^N \bar{Y}_u \quad (9)$$

Аниқланган регрессия коэффициентларини ҳисобга олган ҳолда тенгламани ёзамиз:

$$Y_R = 58,67 - 4,71x_1 + 6,50 + 4,88x_3 + 0,75x_1x_2 + 0,17x_1x_3 - 0,09x_2x_3 - 4,53x_1^2 - 2,65x_2^2 - 5,02x_3^2$$

Регрессия коэффициентларининг аҳамиятлилигини аниқлаймиз. Бунинг учун чиқувчи параметр дисперсиясини аниқлаймиз.

$$S^2\{Y\} = S_m^2\{Y\} = \frac{1}{N_s - 1} \sum_{u=1}^{N_s} S^2\{\bar{Y}\} \quad (10)$$

Шундан сўнг қуйидаги тенглама ёрдамида Стюдент мезонининг ҳисобий қийматини аниқлаймиз:

$$t_R\{b_i\} = \frac{|b_i|}{S\{b_i\}} \quad (11)$$

Стюдент мезонининг жадвал қийматини 3-иловадан оламиз:

$$t_j[P_D = 0,95; f\{S_s^2\} = 3 - 1 = 2] = 2,77$$

Маълумки, агар мезоннинг ҳисобий қиймати жадвал қийматидан кичик бўлса, ўша коэффициент аҳамиятли эмас ва уни тенгламадан чиқарамиз. Тадқиқотларда  $b_{12}, b_{13}, b_{23}, b_{22}$  коэффициенти тадқиқ этилаётган параметрлар учун аҳамиятсиз эканлиги маълум бўлди:

## Кўп омилли тажрибанинг ишчи матрицаси

№	Омиллар			$X_1$	$X_1$	$X_2$	$X_2$	$X_2$	$Y_1$	$Y_2$	$S_u^2(Y_1)$	$S_u^2(Y_2)$	
	$X_1$	$X_2$	$X_3$	$X_2$	$X_3$	$X_3$	$X_1^2$	$X_2^2$	$X_3^2$				
1.	+	+	0	+	0	0	+	+	0	55,33	51	2	2,33
2.	+	-	0	-	0	0	+	+	0	40,67	42,33	0,67	2,33
3.	-	+	0	-	0	0	+	+	0	60,67	57,33	2,67	2,33
4.	-	-	0	+	0	0	+	+	0	49	49,67	4,67	4,33
5.	+	0	+	0	+	0	+	0	+	46	45,33	2,67	1,33
6.	+	0	-	0	-	0	+	0	+	35,33	36,33	0,67	1
7.	-	0	+	0	-	0	+	0	+	57,67	54	2,00	4,33
8.	-	0	-	0	+	0	+	0	+	47,67	49,33	1,35	4,33
9.	0	+	+	0	0	+	0	+	+	61,33	58,67	2,67	2,33
10.	0	+	-	0	0	-	0	+	+	52,33	53,33	6,00	2
11.	0	-	+	0	0	-	0	+	+	48,67	45,33	0,67	1
12.	0	-	-	0	0	+	0	+	+	39,33	39,33	1,35	2,33
13.	0	0	0	0	0	0	0	0	0	58,33	56,67	2,67	2
14.	0	0	0	0	0	0	0	0	0	59	57,33	2,00	2,33
15.	0	0	0	0	0	0	0	0	0	58,67	56,67	1,35	1,67
	Матрицада (+), (-) ва 0 қийматлар ишлатилиши лозим												

Аҳамиятли коэффициентлар билан тенгламани қайта ёзамиз:

$$Y_R = 58,67 - 4,71x_1 + 6,50 + 4,88x_3 - 4,53x_1^2 - 5,02x_3^2$$

Юқорида келтириб олинган регрессион математик моделнинг адекватли ёки адекват эмаслигини текшириш мақсадида Фишер мезонининг ҳисобий қийматидан фойдаланиб аниқлаймиз.

$$F_R = \frac{S_{nad}^2\{Y\}}{S^2\{\bar{Y}\}} \quad (12)$$


$$S_{nad}^2\{Y\} = \frac{\sum_{u=1}^{N-N_s+1} (Y_{Ru} - \bar{Y}_u)^2}{N - N_{k.en} - (N_s - 1)^2} \quad (13)$$

$$F_j [P_D = 0,95; f\{S_{nad}^2\{Y\}\} = 15 - 6 - (3 - 1) = 5; f\{S_u^2\} = 3 - 1 = 2] = 19,3$$


$$F_R = 1,67 < 19,3 = F_j$$

Демак олинган регрессион математик модел тадқиқ этилган жараёни ётарли аниқликда ифодалайди.







а




б




в



д



е



ф

а – трикотаажнинг энига чўзилишига каретка тезлиги ва зичликни таъсири; б - трикотаажнинг энига чўзилишига каретка тезлиги ва тортувчи ролик тезлигини таъсири; в- трикотаажнинг энига чўзилишига зичлик ва тортувчи ролик тезлиги таъсири; д – трикотаажнинг бўйига чўзилишига каретка тезлиги ва зичликни таъсири; е- трикотаажнинг энига чўзилишига каретка тезлиги ва тортувчи ролик тезлигини таъсири; ф- трикотаажнинг энига чўзилишига зичлик ва тортувчи ролик тезлиги таъсири;

**3-расм. Трикотааж тўқимасининг чўзилиш кўрсаткичларининг қийматлари.**

Трикотаж тўқимасини энига чўзилишини таъсир қилувчи 3 та омилларини 3-расмдаги графиклар ёрдамида таҳлил қиладиган бўлсак, ( $x_1$ ) ва иккинчи ( $x_2$ ) кирувчи омилларнинг қабул қилинган минимал (-1) қийматидан максимал (1) қийматигача ўзгариб борганда ва учинчи омил ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) трикотаажнинг чўзилувчанлик қийматлари тасвирланган. Чизмадан фойдаланиб трикотааж тўқимасининг ( $X_1$ ) машина кареткасининг тезлиги  $0 \div 0,4$  ораликларда ва  $X_2$  – трикотаажнинг зичлиги  $0,8 \div 1$  ораликдаги қийматларида ( $Y_1$ ) чўзилувчанлик энг юқори қийматларига эришмоқда. (3 а-расм)

Кирувчи каретка тезлиги ( $x_1$ )  $-1,0 \div -0,2$  ораликларда ва учинчи ( $X_3$ ) омилларнинг  $0 \div 0,8$  ораликларда ва иккинчи омил  $x_2 = 0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) чўзилувчанлик қийматлари энг юқори қийматларига эришмоқда. (3 б-расм)

Кирувчи трикотаажнинг зичлиги ( $x_2$ )  $0,8 \div 1$  ораликларда ва учинчи тортувчи ролик тезлиги ( $X_3$ ) омил  $0 \div 1$  ораликларда ва биринчи омил  $x_1 = 0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) чўзилувчанлик қийматлари энг юқори қийматларига эришмоқда. (3 в-расм)

Трикотаж тўқимасини энига чўзилишини, кирувчи каретка тезлиги ( $x_1$ )  $-1,0 \div 0$  ораликларда ва иккинчи трикотаажнинг зичлиги ( $X_2$ ) омил  $0,8 \div 1$  ораликларда ва учинчи омил  $x_3 = 0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_2$ ) чўзилувчанлик қийматлари, кирувчи ( $x_1$ )  $-0,8 \div -0,2$  ораликларда ва учинчи ( $X_3$ ) омилларнинг  $0 \div 0,6$  ораликларда ва иккинчи омил  $x_2 = 0$ , ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_2$ ) чўзилувчанлик қийматлари ва кирувчи ( $x_2$ )  $0,8 \div 1$  ораликларда ва учинчи ( $X_3$ ) омил  $-0,2 \div 0,6$  ораликларда ва биринчи омил  $x_1 = 0$  ўртача қийматидан фойдаланиб ( $Y_1$ ) чўзилувчанлик қийматлари энг юқори қийматларига эришмоқда. (3 д, е, ф-расм).

Тадқиқот натижаларини барча ҳолатлар бўйича умумлаштириб ( $X_1$ ) каретка тезлиги  $0 \div 0,6$  ораликларда ( $X_2$ ) трикотааж тўқимасини зичлиги  $0,6 \div 1$  ораликда, учинчи тортувчи ролик тезлиги ( $X_3$ ) омилларнинг  $0 \div 0,8$  ораликларда ( $Y_1$  ва  $Y_2$ ) чўзилувчанлик энг юқори қийматларига эришди.


Юқорида графиклар таҳлилдан шу маълум бўлдики, трикотааж тўқимасининг чўзилишининг энг мақбул ҳолатларига қуйидаги қийматларда эришилди: ( $X_1$ ) каретка тезлиги  $60 \text{ см}^2/\text{сек}$ ; ( $X_2$ ) трикотааж тўқимасини зичлиги 74 халқа, учинчи тортувчи ролик тезлиги ( $X_3$ ) омилларнинг  $3 \text{ см}^2/\text{сек}$ ;

**Диссертациянинг «Шакл сақлаш хусусияти яхшилаш мақсадида олинган янги тузилишдаги арқоқли трикотааж тўқималар»** деб номланган IV бобида хом ашё сарфини камайтириш, трикотааж тўқималари ассортиментини кенгайтириш ва унинг шакл сақлаш хусусиятини ошириш мақсадида икки қатламли трикотааж тўқималари таркибига арқоқ ипи киритилиб, арқоқли икки қатламли трикотааж тўқималарини янги тузилишлари ва олиш усуллари ишлаб чиқилди. Арқоқли икки қатламли трикотааж тўқимасининг намуналарининг 3 та варианты OVJA 1,6ER русумидаги 20 класс икки айлана игнадонли жаккард трикотааж тўқув машиналарида ишлаб чиқарилди. Трикотаажнинг олд ва орқа халқалари мос равишда бир бирини тўлдириш ва мос жойлашув натижасида икки қатламни асос ипи ёрдамида бирлаштирилди. Бирлаштиришда кўндаланг ва

бўйламасига рапорт, оралик масофа ва бу жойлаштириш орқали уйикли нақш ҳосил қилишга эришилди.

Трикотаж тўқимасининг иккала қатлами учун хомашё сифатида табиий пахта ипидан, арқоқ ипи сифатида олинаётган трикотажд тўқимасининг вазифасига қараб полиестер калава ипидан фойдаланган ҳолда юқори сифат кўрсаткичларга эга бўлган, гигиеник хусусиятлари юқори ва маҳсулот бирлигига нисбатан хомашё сарфи кам бўлган икки қатламли арқоқли трикотажд тўқимасини олиш мумкин. Бу усул оддий бўлганлиги учун, амалий жиҳатдан машинанинг иш унумдорлигига таъсир этмасдан ва конструкциясига ўзгартириш киритмасдан, унинг технологик имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобига амалга оширилади.

Трикотаж тўқимаси таркибида арқоқ ипининг мавжудлиги ҳисобига трикотажд тўқимасининг чўзилувчанлиги камайган ва шакл сақлаш хусусияти ошган. Арқоқ ипининг трикотажд тўқимаси қатламлари орасида жойлашганлиги ва асос ҳалқаси билан бирга қўшиб тўқилганлиги, арқоқ ипининг трикотажд таркибида мустаҳкам маҳкамланишини таъминлайди.




а-икки қатламли трикотажд (асос тўқима); б-икки қатламли арқоқли трикотажд 1/2; в-икки қатламли арқоқли трикотажд 1/3; д-икки қатламли арқоқли трикотажд 1/1;

**4-расм. Икки қатламли арқоқли трикотажд тўқимасининг график ёзуви.**

Трикотаж тўқимаси таркибида арқоқ ипининг мавжудлиги ҳисобига трикотаж тўқимасининг чўзилувчанлиги камайган ва шакл сақлаш хусусияти ошган. Арқоқ ипининг трикотаж тўқимаси қатламлари орасида жойлашганлиги ва асос ҳалқаси билан бирга кўшиб тўқилганлиги, арқоқ ипининг трикотаж таркибида мустаҳкам маҳкамланишини таъминлайди.

Ҳомашё сарфига юза зичлиги бевосита, ҳажм зичлиги эса тўқима қалинлиги орқали боғлиқ бўлгани учун шу кўрсаткич орқали баҳо бериш тўғри бўлади (5-расм). Таҳлил натижаларидан кўриниб турибдики, юза зичлиги 350,3 г/м<sup>2</sup> дан 405,1 гр/м<sup>2</sup> гача ортган, 14% ни ташкил қилади. Ҳажм зичлиги 201,8 дан 176,1 гача камайган, бу 15% ни ташкил қилади. Юза зичлигининг 14% ортиши ҳажм зичлигининг 15% олиб келган.



- 1- икки қатламли трикотаж (асос тўқима); 2- икки қатламли арқоқли трикотаж 1/2;  
 3-икки қатламли арқоқли трикотаж 1/3; 4-икки қатламли арқоқли трикотаж 1/1;  
**5-расм. Тўқиманинг юза зичлиги ва ҳажм зичлиги ўзгариш диаграммаси.**

Юза зичлиги тўқиманинг эни ва бўйини ҳисобга олса, ҳажм зичлиги тўқиманинг эни ва бўйи билан бирга қалинлигини ҳам инobatга олувчи кўрсаткич. Шунинг учун ҳажм зичлигининг ортиши ҳомашё сарфини камайганини кўрсатади. Яратилган янги икки қатламли арқоқли тўқималарни ҳомашё сарфи камайтирилган ресурстежамкор тўқималар туркумига киритиш мумкин.

Тадқиқот натижалари таҳлилидан маълум бўлдики, бунда икки қатламли трикотаж тўқимасининг тузилишини ўзгартириш ҳисобига трикотажни ҳажмий зичлигини камайтириш, бўйи ва эни бўйича пишиқлигини ошириш, чўзилувчанлик ва киришувчанлик хусусиятларини камайтиришга эришиш мумкин, бунинг натижасида тўқиманинг шакл сақлаш хусусияти яхшиланади, бу эса ўз навбатида ишлаб чиқарилган икки қатламли трикотаж тўқима намуналарининг истеъмолчилик хусусиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Қайтар деформация улуши кўрсаткичи бўйича трикотаж матоларининг қайишқоқлик хусусияти аниқланади. Тўқималарда қанчалик қайтар деформация улуши катта бўлса, ундан тайёрланган маҳсулотларнинг шакл сақлаш хусусияти

шунча юқори бўлади ва арқоқ ипи киритилиши ҳисобига унинг чўзилувчанлик кўрсаткичи яхшиланди.

4-жадвал

### Арқоқли икки қатламли трикотаж тўқимасининг физик-механик хусусиятлари

Кўрсаткичлар		Вариантлар			
		I	II	III	IV
Ипларни тури, чизиқли зичликлари	Олд ва орқа томон	Пахта ип 20 текс			
	Арқоқ ипи	Полестр ип 100 текс			
Ҳаво ўтказувчанлик $B$ ( $\text{см}^3/\text{см}^2 \cdot \text{сек}$ )		45,7	40,6	40,2	37,5
Узиш кучи $P$ (Н)	Бўйи бўйича	213	249	256	264
	Эни бўйича	205	306	344	370
Узишгача чўзилиш $L$ (%)	Бўйи бўйича	90,09	97,75	95,5	95,12
	Эни бўйича	72,5	65,6	65,7	68,15
Қайтар деформация $\epsilon_0$ (%)	Бўйи бўйича	81	85	87	88
	Эни бўйича	80	86	88	90
Қайтмас деформация $\epsilon_n$ (%)	Бўйи бўйича	19	15	13	12
	Эни бўйича	20	14	12	10
Матони киришиши $K$ (%)	Бўйи бўйича	6	5	4	4
	Эни бўйича	8	6	4	3
Ишқаланишга чидамлиги $I$ (минг. айлана)		40	50	52	56


Арқоқли икки қатламли трикотаж тўқима намуналарининг бўйламаси бўйича қайтар деформация улуши 81% дан 88% гача ўзгарди, эни бўйича қайтар деформация улуши эса 80% дан 90% гача ўзгарди.

Қайтар деформациянинг бундай улуши тадқиқ қилинаётган арқоқли икки қатламли трикотаж тўқимаси намуналарининг чўзилгандан сўнг тезлик билан дастлабки ҳолатига қайтишидан далолат беради.

Трикотажнинг деформацияланиши ипларни қайишқоқлиги, бикрлиги ва халқалар сонининг ўзгариши билан ўзгаради. Фақатгина деформациянинг тавсифи эмас, балки трикотажнинг ҳолати ҳам ички, иккита асосий куч билан аниқланади: халқага эгилаётган ипнинг эластиклик кучи ипларни тўғрилашга ва шаклини ўзгартиришга интилади. Натижада иплар оралиғида ишқаланиш кучи пайдо бўлади, халқадаги ипларнинг жойланишига тўсқинлик қилади ва трикотаж тўқима тузилишига ҳалақит беради.

Арқоқ ипини ўрта қатламга ташлаш сифатини ошириш мақсадида икки айлана игнадонли трикотаж машиналарига арқоқ ипини ташловчи мосламанинг янги конструкцияси ишлаб чиқилди. Арқоқ ипини ташловчи мослама цилиндр игнадонининг клин қопқоқлари устига мустаҳкам жойлатирилган. Мослама қопқоқларга оралатиб жойлаштирилган. Германиянинг Mayer & Cie компаниясининг OVJA 1,6 ER русумли икки айлана игнадонли жаккард трикотаж

машинасида тизимлар сони 48 та, арқоқ ташловчи мосламалар эса 24 та жойлаштирилган. Натижада бир-биридан хомашё тури билан фарқ қиладиган икки қатламли трикотаж тўқимаси ҳосил бўлади. Бунда олд қатлам ҳалқалари орқа қатлам юзасига, орқа қатлам ҳалқалари эса олд қатлам юзасига чиқмайди.



1-маҳкамлаш учун ўйиқ; 2-бирлаштирувчи резбали болт; 3-ип йўналтирувчини таянчини маҳкамловчи (пастки қисми); 4-ҳимояловчи болт; 5- ип йўналтирувчини таянчини маҳкамловчи (устки қисми); 6- ип йўналтирувчини таянчи; 7-бирлаштирувчи болт; 8-ип йўналтирувчини асоси; 9-ип йўналтирувчи; 10-бабина; 11-арқоқ ипи; 12-рибшайба игнаси; 13-слиндр игнаси; 14-гайка.

### 6-расм. Арқоқ ташловчи мослама

Арқоқ ташловчи мослама цилиндр игнадон клинларининг қопқоқларига резбали болт 1 орқали маҳкамланади, игнадонга маҳкамланган детал 3 ва мосламанинг таянчини 5 резбали болт 2 ёрдамида маҳкамланади. Мосламанинг туртбурчак шаклдаги ўйиқсимон 6 га арқоқ ипини йўналтирувчи ўйиқли тешикча 9 маҳкамланган, трикотаж машинаси юқори тезликда ишлашини ҳисобга олиб, машина ишлаётган вақтда қисман тебраниш ҳосил бўлади, шу вақтда мосламанинг силжиб кетмалиги ва бир хил меъёردа ишлашини таъминлаш мақсадида, муовозанатни сақлаб турувчи резбали болт 4 маҳкамланган, гайка 14 ёрдамида эса ушбу болт жойидан силжимаслик усун фойдаланилади. Конусимон бабинадаги ип 10 йўналтирувчи кўзчасидан 9 дан ўтиб цилиндр игнадони игнасининг орқа томонидан ўтади. Арқоқ ипи 11 йўналтирилган вақтда цилиндр игнаси 13 юқорига кўтарилган ҳолатда бўлади, рибшайба игнадон игнаси 12 эса сирт текислигидан ичкарироқда бўлади. Арқоқ ипи игнадон бўйлаб йўналтирилиши натижасида иккала игнадон игналари орасига тушиб баради ва икки қатламли трикотаж тўқимасининг орасига жойлашади.

Турли хилдаги нақшларни олишга эришиш ҳамда арқоқли трикотаж тўқимасининг ҳажм зичлигини камайиши ҳисобига, хом ашё сарфи 18% га камайтирилган, натижада 1 тонна пахта ва полиэстер ипидан икки қатламли

арқоқли трикотаж тўқимасини ишлаб чиқарилганда иқтисодий самарадорлик 6930000 сўмни 1 кг маҳсулотга 6930 сўмни ташкил қилди.

## ХУЛОСА

Трикотаж тукув машиналарида шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган трикотаж тўқималарини ишлаб чиқиш мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосалар тақлиф этилди:

1. Трикотаж маҳсулотлари ассортиментини кенгайтиришнинг бугунги ҳолатини таҳлили шуни кўрсатдики, бунда тадқиқот натижаларини тизимлаштириш ва трикотаж тўқималарини назариясини яратиш бўйича тузилиши глад, ластик, жаккард ва нақшли тўқима элементларидан таркиб топган, турли хусусиятларга эга бўлган янги турдаги шакл сақлаш хусусиятли трикотаж тўқималарини олиш усулларини ишлаб чиқиш трикотаж саноатининг долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

2. Шакл сақлаш хусусиятлари оширилган аралаш ва нақшли трикотаж тўқималарининг янги тузилишларини ишлаб чиқишни янги технологик усули яратилди

3. Хом ашё сарфи кам бўлган, шакл сақлаш хусусияти юқори бўлган янги тузилишдаги нақшли аралаш трикотаж тўқималарини олиш технологияси ишлаб чиқилган ва трикотаж таркибидаги қўшимча элементларни унинг технологик кўрсаткичларига ва физик механик хусусиятларига таъсир этиш қонуниятлари аниқланган.

4. Янги тузилишдаги аралаш трикотаж тўқималарини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики трикотаж тўқималарининг ҳажм зичлигини 21% га камайганлиги ҳисобига 1000 кг хом ашёдан 202 кг хомашё сарфи камайиши мумкинлиги аниқланди.

5. Нақшли аралаш трикотаж тўқималарини олишда трикотаж машинасини тортиш механизми такомиллаштирилган, тортувчи роликнинг математик модели тузилиб, дефармация ва чўзилиш коэффициентлари ўзгаришига боғлиқ ҳолда, тебраниш камровини ўзгариш қонуниятлари аниқланган ва назарий жиҳатдан асосланган.

6. Аралаш трикотажни ишлаб чиқаришда хомашё сарфини камайтириш, трикотаж юзасидаги протяжкалар сонини камайтириш; асос тўқима тузилишини ўзгартириш; аралаш трикотаж тўқималаридан донали трикотаж олиш ва чизиқли зичлиги юқори бўлган иплардан фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкинлиги аниқланди.

7. Ясси игнадонли LONG XING-252 (Хитой) русумидаги тўкув машинасида полиакрилнитрил ипидан глад, ластик трикотаж тўқималаридан фойдаланиб янги тузилишдаги аралаш трикотаж тўқималари тўқиб олинди.

8. Машинанинг технологик имкониятларини эътиборга олган ҳолда, нақшли трикотаж тўқималарини ишлаб чиқариш усуллари ўзаро солиштирилиб, улар асосида янги нақшли трикотаж тўқималарини олиш усуллари тавсия этилди.

9. Арқоқли трикотаж тўқимасининг ҳажм зичлигини камайиши ҳисобига, хом ашё сарфи 18% га камайтирилган, натижада 1 тонна пахта ва полиэстер ипиди икки қатламли арқоқли трикотаж тўқимасини ишлаб чиқарилганда иқтисодий самарадорлик 6930000 сўмни 1 кг маҳсулотга 6930 сўмни ташкил қилди.



**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
PhD.03/30.12.2019.Т.66.01 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ШОҒОФУРОВ ШАХБОЗЖОН ШОКИРЖОН УГЛИ**

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ ТРИКОТАЖНЫХ  
ПЕРЕПЛЕТЕНИЙ С ВЫСОКИМИ СВОЙСТВАМИ ФОРМОУСТОЙЧИВОСТИ**

**05.06.02 - Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2021**

Тема диссертации доктора философских наук (Candidate of Philosophy) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве образования Республики Узбекистан за № В2021.4.РfD/T1987

Министров Республики Узбекистан за № В2021.4.РfD/T1987

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.namnti.uz](http://www.namnti.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyoulet» ([www.ziyoulet.uz](http://www.ziyoulet.uz)).

**Научный руководитель:** Холиков Курбанали Мадаминвич  
доктор технических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** Жуманизов Кадам Жуманизович  
доктор технических наук, профессор

Абдурашманов Абдурашид  
Кандидат технических наук, доцент

**Ведущая организация:** Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «30» декабря 2021 года в 9:00 часов на заседании Научного совета РfD 03/30.12.2019.Т.66.01 при Наманганском инженерно-технологическом институте (Адрес: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, Административное здание Наманганского инженерно-технологического института, 1-этаж, малый зал совещаний, тел: (69) 228-76-68, факс: (69) 228- 76-75, e-mail: [nci\\_info@edu.uz](mailto:nci_info@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирована за № 419). Адрес: 160115., г. Наманган, ул. Касансайская-7, тел. (69) 228-76-68.

Автореферат диссертации разослан «18» декабря 2021 года.

(протокол реестра № 56 от «18» декабря 2021 года).



**Р.М.Муродов**

Председатель научного совета по присуждению ученой степени, д.т.н., профессор

**Х.Т.Бобожанов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

**Н.Н.Набиджанова**

Заместитель ученого секретаря при научном совете по присуждению ученой степени, д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой трикотажной промышленности были достигнуты определенные успехи которым уделяется особое внимание, в их числе совершенствование методов управления технологическими процессами для повышения эффективности производства и обеспечение конкурентоспособности продукции в текстильной промышленности. “Учитывая, что размер мирового рынка трикотажных изделий в 2019 году оценивался в 25,3 миллиарда долларов, а в настоящее время составляет 30 миллиардов долларов”<sup>1</sup>, это требует внедрения в производство трикотажных машин, обеспечивающих выпуск качественного трикотажа. В связи с этим актуальное использование качественного и энергосберегающего оборудования и приспособлений для производства трикотажных изделий является актуальной задачей.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по разработке новых научно-технических решений по высокоэффективным и ресурсосберегающим технологиям и оборудованию для производства трикотажных изделий. В связи с этим, в том числе разработка новых видов трикотажных полотен, изучение их технологических параметров, физико-механических свойств и теоретическое обоснование закономерностей их изменения, разработка математических моделей и методов прогнозирования, разработка технологических режимов и производство трикотажных полотен из нового сырья. Особое внимание уделяется научным исследованиям, направленным на совершенствование существующего оборудования и технологий производства новых трикотажных полотен, расширение технологических возможностей машин, автоматическое управление технологическими процессами.

